

## **ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Турсунпулат Давронович МАХМУДОВ**

таянч докторант

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада минтақаларда инвестиция салоҳияти, инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос жиҳатлари олимлар изланишлари асосида умумлаштирилган. Олинган натижаларга мувофиқ инвестиция жалб этишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** инвестиция, минтақавий инвестиция салоҳияти, инвестиция сиёсати, минтақавий инвестиция рисклари, инвестиция муҳити.

## **РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ И НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ**

**Турсунпулат Давронович МАХМУДОВ**

базовый докторант

Термизский государственный университет

Термиз, Узбекистон

### **Аннотация**

В статье обобщен инвестиционный потенциал регионов, особенности привлечения инвестиций на основе исследований ученых. По полученным результатам разработаны рекомендации по повышению инвестиционной привлекательности.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционный потенциал региона, инвестиционная политика, региональные инвестиционные риски, инвестиционная среда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадини муваффақиятли амалга оширишнинг ажралмас шарти мамлакатнинг ривожланишини таъминлайдиган асосий капиталга кенг кўламли инвестициялар киритишдир. Мазкур масала, ўз навбатида, барқарор иқтисодий ўсиш асосини ва бу аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини яратади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг моддий асосини, унинг техник базасини ривожлантиришда инвестициялар муҳим омил ҳисобланади.

Инвестициялар минтақаларни ривожлантиришда бир қатор муҳим вазифаларни ўз ичига олади [8]. Жумладан: ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш; илмий-техника тараққиётини тезлаштириш; маҳсулот

сифати ва рақобатбардошликни ошириш; барча тармоқларнинг мувозанатли ривожланишига эришиш; саноатнинг хомашё базасини кенгайтириш; иш билан бандликни ошириш ва ишсизликни камайтириш; минтақада инфратузилмани ривожлантириш. Демак, инвестициялар мамлакат ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда бирдек муҳим бўлиб, улар кўламини ошириш ҳамда жалб этиш даражасини ривожлантириш минтақанинг муҳим масаласи ҳисобланар экан.

Инвестициялар – бу фойда ва ижтимоий самара олиш мақсадида иқтисодий фаолиятга капитал қўйишдир. Инвестициялар саноат, инновацион ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам беради, ишлаб чиқариш ҳажмини ва самарадорлигини янада оширишда иштирок этади. Инкироз шароитида инвестициялар ижтимоий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини таркибий ўзгартириш ҳамда уни бозорга мослаштиришнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу ўринда, инвестициялар кўлами, салоҳияти ҳамда самарадорлигини оширишда жалб этиш ва тақсимлашни мақбул амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Жумладан, инвестицияларни самарали ва мақбул жалб қилишни амалга оширишда бир қатор жиҳатларга эътибор қаратишимиз лозим. Яъни, инвестицияларни тармоқлар, иқтисодий устуворликлар бўйича оқилона тақсимлаш, инвестиция циклини тўғри бошқариш, инвестиция жараёнларини фаоллаштириш, шунингдек, инвестиция ва инновацион жараёнларни ўзаро боғлаш ва бошқалар шулар жумласидан. Инвестицияларни жалб қилиш ва уни мақбул тартибга солиш механизмларини асослаш ва уни такомиллаштиришда биринчи навбатда инвестициянинг мазмуни ҳамда моҳиятини кўриб ўтамиз.

Инвестиция лотинча “invest” сўзидан олинган бўлиб, “маблағни сафарбар этиш”, “жойлаштириш”, “йўналтириш”, “ишлаб чиқариш соҳасига сафарбар этилган қийматларни аниқ муддатга ва мақсадларга банд қилиш” каби маъноларни билдиради. Инвестицияга асосланган фаолият мавжуд қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, давлат дастурлари орқали мувофиқлаштирилади. “Инвестиция” тушунчаси адабиётларда турлича

талқин этилган бўлиб, келгусида оширилган қиймат олишни мўлжаллаб, жорий даврда иқтисодий лойиҳаларни йўлга қўйиш дегани.

Шунингдек, инвестиция ва инвестицион фаолият билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ қилиш аввалида унинг иқтисодий мазмунига тўхталамиз. Жумладан, инвестицияларнинг кўплаб таърифлари мавжуд. У.Шарп, Б.Александр, Ж.Бейллар кенг маънода инвестиция қилишни келажакда кўпроқ пул олиш учун бугунги кунда пул талаб қилиш [12], деб таърифлашган.

Шунингдек, инвестициялар инвесторнинг мақсади – даромадини ҳисобга олган ҳолда, ресурслар харажатларга айланадиган жараён сифатида ҳам белгиланади. Э.Ж.Долан ва Д.Э.Линденинг сўзларига кўра, макродаражадаги инвестициялар иқтисодий тизимда фаолият кўрсатувчи капитал миқдорини ошириш, яъни, одамлар амалга оширадиган ишлаб чиқариш ресурсларини етказиб беришни кўпайтиришдан иборат [3].

Шу билан бирга, инвестиция ва унинг иқтисодийга таъсирини тавсифлашда Ж.Кейннинг изланишлари муҳим саналади. Жумладан, Ж.М.Кейнс фикрича, инвестиция оддий сўз билан айтилганда шахс ёки корпорациянинг бирон-бир эски ёки янги мулкни сотиб олиши тушунилади. Баъзан мазкур атама фонд биржасида қимматли қоғозлар сотиб олиниши билан чегараланади. Аммо инвестициялар тўғрисида фикр билдирилганда, харид қилишда ҳам, шунингдек, тайёр маҳсулот захираси тўпланишини ёки тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳам тушуниш лозим [6].

Инвестициянинг моҳияти бўйича ҳар хил қарашлар мавжуд. Бу қарашлар инвестициянинг моҳиятини турлича ифодалайди. Фикримизча, инвестиция моҳияти самара ёки даромад олиш учун турли шаклларда капитал қўйиш жараёнидир.

Инвестиция, бир томондан, жамғариш мақсадида тўпланган даромад миқдорини акс эттирса, иккинчи томондан, инвестиция таклифини амалга ошириш натижасида капиталнинг ўсишини белгилайди. Шундай қилиб, инвестициянинг икки йўналишдаги таърифи мавжуд: биринчидан, иқтисодий ёки моддий, унга кўра инвестициялар келажакдаги эҳтиёжларни ортиб

бораётган ҳажмда қондириши тушунилади. Иккинчиси, техник тавсиф бўлиб, инвестициялар харажатлар йиғиндиси ҳисобланади. Бу икки жиҳат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон қонунига мувофиқ инвестицияларнинг моҳияти иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларни ифодалайди. Инвестициялар бўйича берилган таърифлардан кўрдикки, муаллифлар мазкур тушунчани турлича талқин этишмоқда. Лекин барча таърифларда бир жиҳатга, яъни, келгусида фойда олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худди, шунингдек, унинг турлари ҳам таърифлари каби фарқланади. Жумладан, уларни қуйидагича таснифлаймиз (1-жадвал).

Инвестициянинг мазкур таснифий жиҳатлари мамлакат ва минтақа хусусиятларига кўра амалга оширилган. Шундай бўлсада, уларнинг бири иккинчисини инкор этмайди, балки тўлдиради. Шу ўринда, мамлакатнинг ҳар бир минтақаси иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига оптимал интеграциялашувига йўналтирилган рақобатбардошликнинг ошиши республикада ҳудудлар ривожланиши учун инвестицияларни қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Инвестицион ресурсларнинг барқарор манбаларини излаш, уларни асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларга айлантиришнинг самарали ҳудудий механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, инвестицияларни реал секторга самарали жойлаштириш ҳозирги кунда республиканинг барча субъектлари учун алоҳида аҳамиятга эга. Минтақавий инвестиция жараёнларини ҳар томонлама фаоллаштириш давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

**1-жадвал**

**Инвестицияларнинг замонавий қарашлар бўйича таснифланиши  
ва турлари**

<b>Инвестиция белгилари</b>	<b>Инвестициянинг турлари ва таснифланиши</b>
Инвестиция ресурсларининг табиатига кўра	реал (бевосита, моддий) инвестициялар
	молиявий (портфель) инвестициялар
	интеллектуал (номоддий активларда) инвестициялар
Инвестициялашда иштирок этиш хусусиятига қараб	тўғридан-тўғри инвестициялар
	билвосита инвестициялар
	оралиқ инвестициялар
инвестиция объектига кўра	ҳақиқий инвестиция
	портфель инвестициялари
инвестиция майдонига кўра	умумий инвестициялар
	соф инвестициялар
Инвестицион даврнинг давомийлигига қараб	қисқа муддатли инвестициялар
	узок муддатли инвестиция
Инвестицион ресурсларга эгалик шаклларига кўра	хусусий инвестициялар
	давлат инвестициялари
Минтақавий белгиларга кўра	мамлакатнинг ички инвестициялари
	халқаро инвестициялар

Манба: инвестиция бўйича замонавий ёндашувларни, тушунчаларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Шундай бўлсада, инвестициялар билан боғлиқ масалаларнинг барчаси мураккаб ҳисобланади. Чунки, инвестиция иқтисодиётга киритилганидан бошлаб, ўзлаштирилгунга қадар ҳам таваккалчилиги юқорилигича сақланади. Лекин, инвестициянинг муҳим босқичи, унинг кўп омилли жиҳатларидан бири – жалб этиш масаласи ҳисобланади.

Инвестицияларни жалб этишнинг минтақавий жиҳатларини ҳамда унинг инвестиция муҳити омилини тадқиқ қилган ишлар қаторида В.Ю.Вилинская, Л.А.Кострюкова, М.А.Оганян, В.И.Перцухов, Г.П.Подшиваленко, О.С.Елкин, С.М.Вдовин, Е.В.Ерохин кабиларнинг изланишлари муҳим ўрин тутди [11]. Жумладан, амалга оширилган бир қатор тадқиқотларда минтақаларда инвестицияларни жалб этиш даражаси бир қатор омил ва манбаларга боғлиқ ҳисобланади. Жумладан,

минтақавий менежментнинг ривожланиш даражаси ўртасидаги фарқланиш;

ресурс-хомашё базаси жойлашувининг фарқланиши;

инфратузилма ривожланиш даражасининг фарқланиши;

инвестиция сиёсатининг ишлаб чиқилганлиги ва фаоллик даражаси;

ахборотларга кириш имконияти ва ишончлилиги [7].

Шундай бўлсада, инвестицияни жалб этиш механизмлари қаторида самарали тадбирлардан бири кўшма корхоналар ташкил қилиш ҳисобланади. Мазкур ёндашув минтақаларнинг рақобатбардошлигига ҳам ижобий таъсир қилади [4]. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга оширишнинг самарали механизми сифатида кўшма корхоналарни барпо этиш, биргаликда тадбиркорлик қобилиятини амалга ошириш лозим [2]. Фикримизча, жорий вақтга келиб, хорижий мамлакатларда кўшма корхоналар барпо этиш асосида инвестицияларни жалб қилиш кўламини ошириш, механизмларини такомиллаштириш амалиёти кенг тарқалган.

Бунинг натижасида, бир қатор ижобий натижаларга эришилади. Яъни, кўшма корхоналарда маҳаллий тадбиркор ёки давлатнинг инвестиция киритиши ҳисобига хорижий инвесторнинг риси пасаяди, инфратузилмани ривожлантиришга эътибор қаратилади ёки қулай инфратузилма мавжудлигига эътибор қаратилади, экспорт қилиш имконияти яратилади.

Жумладан, сўнгги йилларда минтақанинг инвестиция сиёсати фаоллашди. Бу эса минтақанинг капитал жалб этиш рақобатдошлигини ортишига олиб келади. Мазкур жараён, ўз навбатида, катта ресурслар кўламини ҳамда инвестицион жараёнларни бошқариш самарадорлигини оширишни талаб қилади [10].

Яъни, минтақанинг инвестиция сиёсати ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида инвестицияларни рағбатлантириш ва тартибга солиш билан боғлиқ чора-тадбирлар йиғиндисиدير. Минтақа инвестиция сиёсатининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатамиз: инвесторларга маҳаллий бошқарув органлари томонидан кўмак

бериш; инвестиция бозор инфратузилмасини ривожлантириш; инвестицион жозибадорликни яратиш; қулай инвестиция муҳитини шакллантириш. Минтақавий инвестиция сиёсатининг асосини ишлаб чиқариш салоҳияти, табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви кабиларни ўз ичига олган ҳолда ўзига хос ижтимоий-иқтисодий сиёсатдир [8].

Минтақалар учун инвестиция сиёсатининг асосий муаммоларидан бири молиялаштириш манбаларини излашдир. Айни пайтда минтақавий лойиҳаларга сармоя жалб этишнинг кўплаб кўринишлари мавжуд. Худуднинг инвестицион салоҳияти унинг жозибадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан биридир.

Шу билан бирга, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш, яшаши учун шарт-шароит яратиш учун салмоқли инвестициялар зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарорида тармоқлар ва худудлар кесимида инвестицияни ўзлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган [14]. Таъкидлаш жоизки, инвестиция билан боғлиқ жараёнларда, унинг кўлами ва сифатини ошириш учун мақсадли кўрсаткичларга эришишда жамғармалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жумладан, жамғарма ва инвестицияларнинг номутаносиб тақсимланиши минтақавий ривожланишнинг жиддий номутаносиблигига олиб келадиган асосий омиллардан биридир. Шу боис, Й.Шумпетер тадқиқотларида иқтисодиётдаги инвестицияларнинг хилма-хиллиги технологик инновациялар таъсиридан келиб чиқади, деб ҳисобланади. Замонавий тадқиқотлар эса мазкур масала молия бозори билан боғланади, деб ҳисоблайди. Яъни, МакКиннон ва Шоу ривожланаётган мамлакатларда инвестицияларнинг хилма-хиллигини ҳамда жалб этишнинг тартибга солишда молиявий бозор ривожланишига боғлиқлигини асослаб берганлар [13]. Шу сабабли, молиявий ривожланиш орқали минтақавий инвестициялар

тақсимотининг номутоносиблигини ҳал қилиш ривожланаётган мамлакатлар учун мувозанатли минтақавий ўсишга эришиш ва тенгсизликни камайтиришда муҳим стратегиялардан биридир.

Шундай қилиб, ҳудудий ривожланишнинг инвестициявий таркибий қисмининг давлат бошқарувини такомиллаштириш, фикримизча, мақсадли йўналтирилганлиги билан ажралиб турадиган бозор иқтисодиётида давлатнинг фаол роли ҳақидаги замонавий ғояларга мос келадиган методологияни яратишни назарда тутди.

Минтақавий инвестиция жараёнларини ўрганишнинг комплекс методологияси доирасида хусусий инвесторларнинг бозор шароитидаги хатти-ҳаракатлари моделлаштирилиши лозим. Шу билан бирга, мамлакатнинг ҳар бир минтақаси ички ресурсларни жалб қилиш ва ташқи, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун бошқа минтақалар билан рақобатлашадиган хусусиятларига қаралади. Муайян минтақанинг рақобатбардош позицияларидаги энг муҳим рақобат устунликлари ёки аксинча, заиф томонлари (унга инвестиция қилиш истикболларини баҳолаш нуқтаи назаридан) ушбу минтақани инвестициялашдаги муҳим омил ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, инвестиция муҳити капитал жалб қилишнинг муҳим омилли бўлиб, у минтақанинг назарий қоидалари билан белгиланадиган концептуал аппарат ва таркибий муносабатлардан фойдаланишга асосланади [15]. Ушбу қоидаларга мувофиқ, минтақадаги инвестиция фаолиятининг энг муҳим жиҳатларига, инвестиция соҳасининг ҳолатига хос бўлган энг умумий, яъни, ўрганилаётган ҳодисани максимал даражада ёритишни таъминлайди.

Минтақадаги қулай инвестицион муҳит даражаси чексиз кўп омилларнинг биргаликдаги таъсири билан белгиланади [11]. Бироқ, таҳлил қилиш мақсадида, айниқса, ҳудудлараро инвестицияларни таққослаш учун, ҳар бир минтақанинг инвестиция муҳитига алоҳида эътибор қаратилади.



Фикримизча, маълум миқдорий кўрсаткичларни интеграл кўрсаткичлар билан тавсифлашни амалга ошириш лозим.



**1-расм. Минтақанинг инвестиция муҳитини ўлчаш тизими**

Чунки, минтақанинг инвестиция муҳитини миқдорий жиҳатдан битта ўлчов билан тавсифлаб бўлмайди. Бундай уринишлар ушбу мураккаб ходисанинг бирон-бир томонини нотўғри, қонунга хилоф равишда эътиборсиз қолдиришга олиб келиши мумкин. Юқорида айтилганлар билан боғлиқ ҳолда, бизнинг фикримизча, минтақалар инвестиция муҳитини ҳамда инвестицияларни жалб этиш механизмини баҳолаш ўзига хос мураккаб тизим ҳисобланади (1-расм).

Юқоридаги 1-расмдан кўришиб турибдики, минтақанинг инвестиция муҳити миқдорий жиҳатдан минтақанинг инвестицион жозибадорлиги ва

унинг таркибий қисмларини (минтақанинг инвестиция салоҳияти ва инвестиция rischi) ўз ичига олган кўрсаткичлар билан тавсифланмоқда.

Минтақа инвестиция фаолияти унинг асосий капиталига инвестицияларни жалб қилиш интенсивлиги ҳисобига ривожланади. Минтақанинг инвестицион жозибадорлиги эса, минтақадаги инвестиция фаоллигини белгиловчи турли объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва бошқа минтақавий хусусиятлар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг комбинациясидир [9].

Минтақанинг инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш ҳамда кўламини оширишда инвестиция салоҳиятини ошириш муҳим саналади. Инвестиция салоҳияти минтақанинг мавжуд ва захирадаги ресурсларини ўз ичига олсада, уларнинг фаол ҳаракати ҳамда интенсивлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим [4]. Минтақанинг инвестиция салоҳияти – бу ҳудуднинг асосий капиталига инвестицияларни жалб қилиш учун юқори аҳамиятга эга бўлган, минтақада инвестиция фаоллигини оширишга ёрдам берадиган турли объектив иқтисодий ва табиий-географик хусусиятлар, воситалар ва имкониятлар йиғиндисидир.

Минтақавий инвестиция салоҳияти – минтақанинг иқтисодий сиёсати билан белгиланадиган инвестиция фаолиятини таъминлаш учун ўз ва жалб қилинган молиявий ресурслар имконияти ҳисобланади. Минтақанинг инвестиция салоҳиятининг интеграл даражасини аниқлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар таркиби мураккаб ҳисобланади. Жумладан, ҳудуднинг меҳнат, ишлаб чиқариш, молиявий, институционал, инфратузилма, истеъмолчи, инновацион, табиий ресурс мажмуалари кабиларни ўз ичига олади.

Минтақавий инвестиция riskлари – бу минтақавий хусусиятга эга бўлган (минтақавий келиб чиқиши) инвестиция фаолиятига тааллуқли бўлмаган омиллар таъсирида юзага келадиган ўзига хос бўлмаган riskлар. Жумладан, В.В.Литвинова изланишларида минтақанинг инвестиция riskи ва инвестиция салоҳиятини баҳолашга эътибор қаратилган. Муаллиф фикрича,

мазкур тушунчалар замирида минтақанинг инвестицияларни жалб қилиш имконияти ётади ва улар инвестициялашнинг интеграл жиҳатларини ифодалайди [9]. Шунингдек, Б.Д.Арсланов, Ш.Д.Арслановларнинг изланишларида ҳам инвестицияларни жалб этиш механизми асосини инвестиция салоҳияти ҳамда инвестицион риск ташкил этади деб таъкидланади. Мазкур тадқиқотларда ҳам минтақада инвестицияларни жалб қилишнинг инвестиция rischi ҳамда салоҳияти тадқиқ этилган. Муаллифлар жалб этиш омилига риск ва салоҳиятни кўрсатишади [11]. Ушбу рисклар маълум бир минтақадаги барча инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижаларига бир хил даражада салбий таъсир кўрсатади, ундаги инвестиция фаоллигини пасайтиради. Бундай хатарларга, биринчи навбатда, минтақадаги ижтимоий муаммоларнинг жиддийлиги (хусусан, ишсизлик даражаси, аҳоли даромадларининг табақаланиш даражаси), экологик вазиятнинг кескинлиги ва бошқалар киради. Инвестицион рисклар, ўз навбатида, инвестиция муҳитини ҳам белгилайди. Жумладан, минтақада инвестиция муҳити муҳим бўлиб, у асосида ҳудудларнинг инвестиция жалб қилиш механизмлари ҳамда уларнинг мақбул тақсимооти амалга ошади.

Минтақа инвестиция муҳитининг барча асосий таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар қуйидагича: минтақанинг инвестицион салоҳияти қанчалик юқори бўлса, минтақада инвестиция фаолиятининг нотижорат хавфи шунчалик паст бўлади. Унинг инвестицион жозибаторлиги қанчалик юқори бўлса, унинг инвестицион фаоллиги шунчалик юқори бўлади.

Маълумки, давлат статистик ҳисоботида “инвестицион жозибаторлик”, “инвестицион фаоллик”, “инвестиция салоҳияти” ва “инвестицион риск” кўрсаткичлари мавжуд эмас. Уларнинг сон қиймати минтақавий инвестиция жараёнларининг умумлаштирувчи хусусиятларини миқдорий ифодаси сифатида қабул қилиниши мумкин. Бироқ, бундай умумлаштирувчи кўрсаткичлар статистик ҳисоботлардан тузилади. Улар ўз навбатида, умумлаштирувчи минтақавий хусусиятларнинг турли ўзига хос томонларини акс эттиради. Бошқача айтганда, ҳудудларнинг инвестиция муҳитининг ушбу

таркибий қисмларини – инвестиция жозибаторлиги, инвестиция фаоллиги, инвестиция салоҳияти ва инвестицион рискни ҳар томонлама миқдорий баҳолашда турли хил инвестицияларни акс эттирувчи хусусий кўрсаткичлардан тузилган умумий, интеграл кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади.

Минтақалараро инвестицияларни таққослашни тўғри амалга ошириш учун ҳудудларнинг инвестиция муҳитининг барча таркибий қисмлари миқдорий баҳолари нисбий кўрсаткичлар кўринишида тақдим этилади. Таклиф этилаётган ҳисоб-китоблар тизими тўртта интеграл кўрсаткичлардан, яъни, инвестиция жозибаторлиги, инвестиция фаоллиги, инвестиция салоҳияти ва инвестицион риск интеграл кўринишига эга бўлади. Уларнинг интеграл минтақавий қийматлари 1 (бир) ёки 100 фоиз сифатида қабул қилинади.

Шу билан бирга, минтақаларда инвестицияларни оптимал жойлаштириш миқдорий жиҳатлар билан бирга самарадорлик кўрсаткичларини ҳам ўрганишни талаб қилади. Бунда самарадорлик нисбий катталиқ эканлигига алоҳида эътибор қаратамиз. Яъни, минтақаларда инвестиция имкониятларидан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари барқарор ўзига хосликка эга ҳисобланади. Юқоридаги кўрсаткичларимизга боғлаб самарадорлик жиҳатларини аниқлайдиган бўлсак, натижавий катталиқларни инвестиция сарфига нисбатини ўрганамиз. Жумладан, минтақадаги инвестиция фаоллигининг интеграл даражасини минтақанинг инвестицион жозибаторлиги интеграл даражасига ёки минтақанинг инвестицион салоҳиятининг интеграл даражасига нисбати билан баҳолаймиз.

Минтақадаги инвестиция муҳитининг қулайлик даражасини талқин қилишда унинг иккита асосий таркибий қисмига эътибор қаратамиз. Яъни, улар ўз ичига минтақанинг инвестицион жозибаторлик ва инвестиция фаоллиги ўртасидаги муносабатларни ўрганишдан иборат.

Фикримизча, минтақаларда инвестиция жараёнларининг ҳудудий табақаланиш хусусиятларини ўрганиш оқибатларни ўрнига сабабларни тадқиқ

килиш имконини беради. Бу эса, ҳудудларда ушбу параметрлар шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганишни ва якуний ҳолатда ҳар бир минтақанинг ўзига хослиги асосида инвестицияларни оптимал тақсимлаш имконини яратади.

Юқоридагилар асосида хулоса қилсак, минтақавий ривожланиш учун инвестицияларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш зарур. Бунда, инвестицион ресурсларнинг барқарор манбаларини излаш, уларни асосий капиталга айлантиришнинг самарали ҳудудий механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, инвестицияларни реал секторга самарали жойлаштириш муҳим. Яъни, ҳозирги босқичда мамлакатимизнинг барча субъектлари учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган минтақавий инвестиция жараёнларини ҳар томонлама фаоллаштиришни давлат томонидан тартибга солиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимиз минтақавий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш инвестицияларни ҳудудий тақсимлаш параметрларида юқори даражадаги ноаниқлик шароитида амалга оширилади. Бунда, хусусий капиталнинг минтақавий ривожланишини қўллаб-қувватлаш, давлат бошқаруви эътиборини марказлаштирилган манбаларидан тўғридан-тўғри манбаларига оптимал тақсимлашни асослашга ўзгартириш лозим.

Фикримизча, турли минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, инвестиция жараёнларини фарқлаш хусусиятлари ҳақида объектив тасаввурга эга бўлиш, уни белгиловчи сабабларни аниқлаш, шунингдек, жалб этиш механизмларини такомиллаштириш бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Жумладан:

мақсадли хусусиятга эга бўлиш, яъни, биринчи навбатда, минтақавий ривожланишни давлат томонидан бошқаришни такомиллаштириш;

минтақавий инвестиция жараёнларини ўрганишнинг мураккаблигини таъминлаш. Бу қўллаб турли жиҳатларни, шу жумладан, уларнинг ҳозирги хусусиятларини белгилайдиган ва келажакда ривожланишини аниқлаши

мумкин бўлган жиҳатларни ҳисобга олиши лозим. Яъни, бу ҳолат таҳлил қилиш ва прогнозлаш имкониятини беради. Шу боис, ҳудудларда инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг мақбул усулларини танлаш;

минтақавий инвестиция жараёнлари бўйича тадқиқотларнинг тизимли хусусиятини таъминлаш. Яъни, ўрганилаётган ҳодисаларнинг турли томонларини ва турли даражаларини акс эттирувчи ўзаро боғлиқ кўрсаткичларнинг аниқ, иерархик тузилган тизимига таяниш. Шу билан бирга минтақалараро ўрганиш, инвестицияларни нафақат сифат, балки оқилона миқдорий мезонлардан фойдаланган ҳолда таққослаш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Вологдин Е.В. Оценка инвестиционной привлекательности региона: теория и практика (на примере Алтайского края): монография. – Барнаул: АлтГУ, 2017.
2. Гимадиева Л.Ш. Динамика и перспективы использования прямых иностранных инвестиций в экономике региона (на примере Республики Татарстан) // Научный журнал КубГАУ, 2016. – №115(01).
3. Долан Э. ДЖ., Линдсей Д. Микроэкономика / Пер. С англ. В. Лукашевича и др., Под общ.ред Б. Лисовкина и В. Лукашевича. – СПб., 1994.
4. Дресвянников Д.А. Особенности привлечения инвестиций органами местного самоуправления в Украине на примере города Мариуполя // Теоретичні і практичні аспекти економіки та інтелектуальної власності. – Украина, 2015. - Вып. №2(1). – С. 153-162.
5. Елкина О.С. Инвестиционный климат как условие развития региона // Сибирский торговоэкономический журнал, 2016. – № 4. С. 33-35.
6. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. С основами аграрных рынков. Курс лекций. – Москва: ЭКМОС, 1998. – 448 с.
7. Костин И.В. Привлечение инвестиций в основной капитал: региональная практика // Финансовый журнал, 2011. – С. 161-170.

8. Лачин Ю.В. Инвестиционная активность региональных органов власти как одно из направлений повышения экономического потенциала региона // Вестник Ростовского государственного экономического университета (РИНХ), 2015. – № 1 (49). – С.84-87.

9. Литвинова В.В. Инвестиционная привлекательность и инвестиционный климат региона: к вопросу о дефинициях и оценке // Финансы: теория и практика, 2014. – № 1. – С. 139-152.

10. Морозова Т.Г., Александрова А.В. Механизмы реализации инвестиционно-инновационной стратегии в стабильно развивающихся регионах РФ // Региональная экономика, 2010. – №18 (153).

11. Траченко М.Б., Джиев В.А. Экспресс-анализ инвестиционной привлекательности регионов // Финансы и кредит, 2018. – Т. 24. – № 9. – С. 2151-2165.

12. Шарп У., Александр Б., Бэйл Дж. Инвестиции. – Москва: ИНФРА-М, 1997.

13. Minghua Zhan, Shuai Li, Zhouheng Wu. Can digital finance development improve balanced regional investment allocations in developing countries? — The evidence from China. Emerging Markets Review, Volume 56, 2023, 101035

14. <https://lex.uz/uz/docs/6329448#6330381>